

Президентнинг АҚШга расмий ташрифи

Хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Америка Қўшма Штатларига расмий ташрифи давом этмоқда. АҚШ Ўзбекистон мустақиллигини биринчилардан бўлиб тан олган давлатлардан биридир. Утган вақт мобайнида икки мамлакат ўртасида қўлбала ташрифлар амалга оширилди, талай ҳужжатлар имзоланиб, ҳамкорлигимизнинг ҳуқуқий асоси яратилди. Хозир давлатларимиз ўртасида турли соҳаларда тенг манфаатли ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Президентимиз сафар олдидан журналистлар берган интервьюсида мазкур ташриф Ўзбекистон — АҚШ муносабатлари янги босқичга кўтарилганини таъкидлади.

— Ташриф асосида олтинта ҳужжат имзоланиши кутилмоқда. — деди Ислам Каримов. — Булар орасида энг асосийси, Ўзбекистон билан АҚШ ўртасида стратегик шериклик ва ҳамкорлик тўғрисида имзоланадиган янги ҳужжатдир. У барча соҳалардаги алоқаларимизни ривожлантириш, мавжуд имкониятлардан янада самаралироқ фойдаланишга кенг йўл очади. Айниқса, Ўзбекистон чегаралари дахлсизлигини таъминлаш, юртимиз хавфсизлигини кафолатлаш нуктаи назардан бу ҳужжат жуда муҳимдир.

Умуман, АҚШга бу галги сафаримиз Ўзбекистонда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, бозор иқтисодиётига асосланган эркин, демократик ва фуқаролик жамияти барпо этиш, инсон ҳуқуқларини таъминлаш, қисқача айтганда, мамлакатимизни ривожланган давлатлар қаторига чиқариш каби эзгу мақсадларга тезроқ эришишимизга катта ёрдам беради.

АҚШ Президенти Жорж Бушнинг таклифига биноан амалга оширилаётган ушбу ташриф чоғида мамлакатимиз Президенти Оқ уй раҳбари билан музокаралар ўтказиши, парламент аъзолари, ишбилармон доиралари вакиллари билан учрашади.

ЛОНДОН. 11 март. Шу куни Президент Ислам Каримов бошчилигидаги Ўзбекистон делегацияси Буюк Британия пойтахти — Лондоннинг «Стэнстед» аэропортига тўхтаб ўтди. Давлатимиз раҳбарини мазкур мамлакат ташқи сийбас таъминоти вакиллари кутиб олди.

Қисқа муддатли музокараларда Ўзбекистон — Буюк Британия муносабатлари янада ривожлантириш, турли жаҳонда йўлга қўйилган ҳамкорлик истиқболли билан боғлиқ ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Буюк Британия расмийлари билан учрашувдан сўнг Ўзбекистон делегацияси яна АҚШга йўл олди.

ВАШИНГТОН. 12 март. УЗА махсус мухбири Анвар Бобоев хабар қилади.

Кеча расмий ташриф билан Вашингтонга келган Ислам Каримовни АҚШ ҳарбий-хаво кучларига қарашли «Эндрюс» авиабазасида Давлат котибининг ўринбосари Элизабет Жоунс ва бошқа расмий кишилар кутиб олди.

Мамлакатимиз раҳбари АҚШ Президентининг faxрий меҳмонлари уйи — «Блэйр хаус» қароргоҳига жойлашди.

Бугун Ислам Каримов АҚШ Президенти Жорж Буш, давлат котиби Колин Пауэлл ва бошқа расмий кишилар билан учрашади.

ҚИСҚА САҲИФА

□ **ЯПОНИЯ** ҳамкорлик жамғармаси мамлакатимизда телекоммуникация соҳасини янада такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон телерадиокомпаниясини янги асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш учун маблағ ажратди.

□ **ПОЙТАХТИМИЗДА** Тошкент шаҳар «Маҳалла» жамғармаси ташаббуси билан «Аёл — жамият ва маҳалла таянчи» мавзуда семинар бўлиб ўтди.

□ **ЮНОСБОД** туманидаги «Шахидлар хотираси» ёдгорлик мажмуаси ёнида бунёд этилаётган «Қағон қурбонлари» музейи қурилиши давом этмоқда. Музейнинг 9 та залдан иборат бўлишини тиклашдан мақсад ундан шўро давридаги ўзбеклар ҳаётига оид ҳужжатлар билан бирга

«Пахта иши», «Ўзбек иши» номини олган яқин ўтмишдаги қағон давридан ҳикоя қилувчи далилий ашёлар ҳам ўрин эгаллайди.

□ **СОБИР** Раҳимов туманидаги 243-мактаб аъзабини «Ёш зукколар-2002» кўрик-танлово тўғрисида маълум қилди. Шунингдек, Шайхонтоҳур туманидаги 30 та мактаб ўқувчилари иштирокида ҳам «Ёш зукколар-2002» кўрик-танлови низоҳасига етди.

□ **ЯККАСАРОЙ** туманидаги 25-мактабда ҳам юқоридаги мавзуда кўрик-танлов ўтди.

□ **ХАМЗА** туманидаги мактабларнинг 10-синф ўқувчилари иштирокида ўтказилган кўрик-танлов эса «Сиз тарихин биласизми?» деб номланди.

□ **ШАХРИМИЗДА** ранг тасвир ва график расмлар бўйида Аюпов асарлари кўргазмаси намойиш этилди.

Юртимизда Наврўз нафаси



Янада обод бўл, азим Тошкентим!

Чилонзор тумани

Яшарли ва гўзаллик айёми Наврўзга пухта хозирлик қўраётган Чилонзор туманидаги «Алгоритм» ошқ турдаги акционерлик жамияти хизматчилари ҳам ободонлаштириш ишларида фаол иштирок этмоқда. Шу кунгача акционерлик жамиятининг 600 нафар хизматчиси иштирокчида тез-тез хашарлар уюштирилмоқда. Хар бир хизматчиси ўзига тегишли ҳудудни чиқиндилардан тазолаш, мевали-манзарали даракларни экиш, йўлларни, ирригация тармоқларини қайта таъмирлаш, даракларга шакл бериш ишларини беқаму кўч бажаришга ўз хиссасини қўшмоқда. Шунингдек, жамият ҳудудида нафақат мевали, манзарали дараклар билан тирақлар ҳам қадағди.

Хамза тумани

— Миллий қадриятларимиз эъзозланадиган қадимий байрамимиз Наврўзи олами орасталик, покизалик билан кўриб олиш азалий одатиимиздир. — дейди «Тарновобоши» маҳалласи оқсоқоли Кўчкор ота Эрматов. — Маҳалламиздаги 360 дан ортиқ хонадон аҳли ховлико кўчаларини тартибга келтиришди. Гузар атрофи ободонлаштирилиб анвойи гуллар ва мевали дарак кўчатларини экиди. Шохсанам, Лаофат, Бунёдкор, Нигора номли кўчаларимизда хар кунги хашарлар уюштириб, ариқлар тазолашди, дараклар оқланди ва гул кўчатлари экиди. 16 март куни ўтказилган умум-халқ хашари куни эса асосан маҳалламиз ҳудудида орасталик юмушлари бажарилади.

Яққасарой тумани

Наврўз олдидан ободонлаштириш ишларида Тошкент тижорат коллежи ўқувчи ва педагоглари ҳам четда туришгани йўқ. Улар ўз ҳудудларида ерларни юмшатиш, ортиқча чиқиндиларни олиб чиқиб ташлаш, кўчат экиш, ховлиқларни тазолаш ишларини бажаришди.

— Бугунгача ўқув биноси ҳамда ётоқхоналаримиз ён-атрофи тартибга келтирилди. — дейди коллеж директорининг маънавият ва маърифат ишлари бўйича ўринбосари Қудратилла Азимов. — Корхонамизда асосан аёллар меҳнат қилганлиги боис хар доим озодалик, покизаликка эътиборимиз кучли. Айни кунларда ободонлаштириш билан бир қаторда кўкаламзорлаштиришга ҳам хисса қўшимиз. Ховлимизга кўз қуянайдиган анвойи гул кўчатлари ўтказамиз.

Юнособод тумани

Авалло, покизаликдан, орасталикдан хар бир инсоннинг бахри-дили очилиши, табиий. Айниқса, бундай юмушларга хар бир киши ўз хиссасини қўша, нур устига аъло

нурдир. Пойтахтимизда давом этаётган барча юмушлари — ободончилик ва кўкаламзорлаштириш ишларида «Музаффар-коммунал» уй-жой мулкдорлари ширкати ходимлари фаол иштирок этишмоқда.

Айни дамда ширкатга аъзо бўлган 48 та кўп қаватли уйлarning ён-атрофлари, сув шохобчалари тазолалиб тартибга келтириб қўйилди. Маҳалла оқсоқоллари ҳамда уй бошқарувчилари раҳбарлигида хашарлар ташкил этилаётганини, унда хонадон аъзоларининг ҳам фаол қатнашаётганини қувонарлик билан айтиш мумкин. Хозирда маҳаллалар ҳудудларига атиргул, турли хил бутта ҳамда мевали ва манзарали дарак кўчатлари ўтказилмоқда.

Мирзо Улуғбек тумани

Тумандаги Т. Умаров номи 99-ўрта мактабда ҳам хашарлар уюштирилмоқда. Мах-

ТАРАДДУД

таб ховлиси, кўчаси чопилди, ўйитлар сепилди, дараклар оқланди. Шунингдек, 200 туп гул кўчатлари гулзорга ўтказилди. Хашарда мактабнинг барча синф ўқувчилари жонбозлик кўрсатдилар.

«Кўнчалар мактаб қаршидаги 27-оилавий шифохонанинг ҳудудини саранжом-саршишта саклаш, ариқларни чиқиндилардан ҳоли қилиш ва кўкаламзор бўлиши йўлида мунтазам хашарлар уюштириб турибдилар. Трамвай айланаси майдонини ҳам тазолалиб, тартибга келтирилди. Шунингдек, Сўқўрғон, Х.Эргашев ва Содиқов кўчаларидаги ариқ-зовурлар чиқиндилардан тазолалиб, ариқ-зовурлар 300 туп гул кўчатлари ва 32 та мевали дараклар экилди.

Акмал Иқомов тумани

Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетининг ўқитувчи ва талабалари ҳам айни кунларда Наврўз байрамига хозирлик қўриб, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойларида фаол иштирок этишмоқда.

Шу кунларда барча факультет ва ётоқхоналар ҳудудларида ерлар чопилиб, чиқиндилардан тазолалиб, 1000 туп гул ва 500 донна мевали ва манзарали дарак кўчатлари ўтказилмоқда. Университет бош биноси пештоқи ва факультетларга кириш жойлари «Тасвирий ойна» ижодий биланшаси томонидан чиройли паннолар билан безатилмоқда.

Бундан ташқари университетда айни кунларда талабалар ўртасида «Энг яхши ва озода факультет» ҳамда «Энг озода ётоқхона» кўрик-танловлари ўтказилмоқда.

Собир Раҳимов тумани

Туман ободонлаштириш бошқармаси ишчи-хизматчилари томонидан ҳам кенг қўламадги кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилмоқда. Жумладан, Беруний кўчасидан Чорсу бозоригача, Ниёзов кўчасидан Нукус кўчасигача бўлган ҳудудларга 2000 тупдан атиргул кўчатлари ва бир йиллик гуллар ўтказилди.

Абдурахмонов, Умид, Саидов, Займов ва Ниёзов кўчаларидаги даракларни оқлаш

ишларини бошқарманиннг етти бригадаси бажаришмоқда. Сағбон, Қорасарой, Абдулла Қодирий ва Фаробий кўчаларидаги ариқ, зовурлар чиқиндилардан тазолалиб, Ф.Ғуллом, Беруний, Ниёзов ва Абдурахмонов кўчаларига ариқ бугалар экилмоқда. Барча юмушлар бошқарманиннг 150-160 нафар ишчилари томонидан гайрат-шижоат билан амалга оширилмоқда.

Бектемир тумани

— Наврўзи олам шодоналигини арафасида биз ҳам корхонамиз ҳудудидидаги чиқиндиларни тазолаш, мевали ва манзарали даракларга шакл бериб чиқдик. — дейди «Ирғидромаш» корхонаси касабаси уюшма кўмитаси раиси Зайб Ҳакимов. — Шунинг билан бирга уларнинг пастиқи қисмлари оқланди, 50 дан ортиқ манзарали дараклар экилди. Бир километрдан ортиқ ариқлар эса рисоладагидек тазолалиб, йўлқалар қайтадан таъмирланди, гуллар ва мевали дараклар кўчатларини ҳам экишни режалаштирганмиз. Хар йилгидек бу йил ҳам корхонамиз жамоаси Наврўз байрамини кўтаринки қайфиятда қарши олди.

Сергели тумани

— Хар бир хайрли ишларимиз биринчи галда оиладан, сўнг эса маҳалладан бошланади. — дейди «Қумарик» маҳалласи оқсоқоли Исмоил Тулаганов. — Шу сабабдан ҳам биз маҳалла фаоллари ва ҳудуддаги хар бир кўчага жавобгар бўлган шахслар билан бу борада йиғилиш ўтказиб, уларга маҳалламиз кўча ва хонадон атрофларида қилиниши керак бўлган ишларни бажаришни топширдик. Ана шу кунларда бошқа маҳалладошларимиз биргалликда кўчадаги ариқ ва зовурларни тазолаш, даракларга шакл бериб, хонадон атрофларини саранжом-саршишта қилмоқдалар. Маҳалламизда асосан ховлиқи уйлар жойлашган. Аҳоли бахорнинг илк кунлариданок бу ерларга янги кўчатлар экишиб, тагарларни юмшатишди. Бугунги кунда маҳалламизда 495 та хонадон ва 20 та кўча бор. Биз хар кун бу кўчаларни кўздан кечириб, у ердаги олиб берилаётган ишлар билан яқиндан танишиб, борамиз, хашарлар уюштиришимиз. Ҳақи бу юмушларимиз давом этмоқда.

Миробод тумани

Наврўз умумхалқ байрамининг муносиб кўтиб олишга қизгин хозирлик қўраётган тумандаги 154, 328-мактабларда ободонлаштириш ишлари ҳамжамиятдаги ўтказилмоқда. Хусусан, утган шанба, яқинба кунлари 154-мактаб ҳудудида 500 нафар ўқувчи ва 40 нафардан зиёд ўқитувчилар иштирокида бўлиб ўтган хашарда 280 та мевали, манзарали дараклар экилди, 700 метр ирригация тармоғи чиқиндилардан тазолалиб, Шунингдек, шу кун 18 та мевали, 25 та манзарали дараклар экилди. Ўқувчилар савий-харакатлари билан 1,5 тонна металл парчалари, 800 килограмм қоғоз тўпламлари йиғилиб топширилди.

(Ўз мухбирларимиз).

«УМИД НИҲОЛЛАРИ» Шаҳар босқичи бошланди

Юртимизнинг фарзандлари соғлом юрт қудратлидир дея билдирган фикрлари ҳаётимизнинг дастуруламалига айланмоқда. Хусусан, мактаблар ўқувчилари, колледж ва лицейлар, олий ўқув юртиларнинг талабалари учун «Умид ниҳоллари», «Барқамол авлод», Универсиада каби мусобақалар мунтазам ўтказиб келинмоқда.

матлигини мустақамлаб спорт билан мунтазам шугулланишига йўл очаётгани тўғрисида маълумот бергандик.

КЕЧА

«Жар» спорт-соғломлаштириш мажмуасида «Умид ниҳоллари» спорт мусобақаларининг 8—11-синф ўқувчилари ўртасида ша-

хар финал босқичи мусобақаларининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси бошлиғи, мусобақа баш хахамси Ислам Зокиров болаларни улкан спорт байрами билан кутлаб апрель ойда Фарғонада бўлиб ўтадиган Республика финал босқичида ҳам

муваффақиятли қатнашшиларига умид билдирди. Шунингдек, Тошкент шаҳар ховлигининг ўринбосари Рустам Қурбонов, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирининг ўринбосари Усмонови Мусавалар ҳам шахримизнинг энг кўчили ўқувчиларига омад тиллашди.

Мусобақа барча иштирокчиларининг чиқишларидан сўнг уларни ўз маҳоратлари билан ёш илтифозлар, тазқондорлик, гимнастлар ва акробатлар муборақбод этишди, чиройли концерт дастури намойиш қилинди. Спорт билан ҳамдан бўлган ўқувчилари «Умид олдузилар» фестивалининг гойиблари, ракс хореография дастаси, «Булочка» вокал дастаси, «Аладин» шоу групухи вакиллари билан иборат ёш эстрада юлдузлари ўз жозибали чиқишлари билан кутлашди.

— Шаҳар финал босқичида хар бир тумандан энг кўчили 137 нафар, жами 1507 та оқори синф ўқувчилари 11 та спорт тури бўйича ўзаро кўч синашмоқда. — деди биз билан суҳбатда шаҳар ХТББ «Ёш кўч» кўнгилли спорт жамияти раисининг ўринбосари

Бахтиёр Болтабоев. — Ўқувчилар мадт ойлнинг охириларига «Динамо», «Истиклол» ва Красницкий номидаги стадионлар, олимпия ўринбосарларини тайёрловчи 5-БЎСМ, 25-БЎСМ, олимпия ўринбосарларини тайёрловчи 15-маҳсус спорт мактаби, 23-БЎСМ, 242, 182, 94, 60, 257 ва 271-мактабларнинг спорт залларида ўз кўч-маҳоратларини намойиш этишди. Мусобақа ақунларига кўра энг кўчили ўқувчилардан пойтахт терма жамоаси шакллантирилиб, хар бир спорт тури бўйича 5-20 апрель кунлари энг яхши базаларда ўқув-машқ йиғинлари ўтказилди. 24-30 апрель кунлари Фарғона шаҳрида бўлиб ўтадиган Республика финалида шаҳаримиз терма жамоаси зафар қўчиши учун барча ижтимоиятларининг ёрдами етарли.

ДИЛШОД ИСРОИЛВ
СУРАТЛАРДА: «Умид ниҳоллари» спорт мусобақачининг очилиш маросимидан лавҳалар.
Бурҳон Ризоқуллов
олган суратлар.



Мамлакатимизда

● **Кеча** Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузурида тузилган Ўзбекистондан четга олиб кетилган ва халқ бойлиги бўлган архив ҳужжатларини қайтариб олиб келиш бўйича тузилган махсус комиссиянинг навабдаги ҳисобот йиғилиши бўлиб ўтди.

● **Кеча** Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигида ўтказилган семинарда кичик ва ўрта бизнес корхоналари ташқи савдоси учун қулай шарт-шароитлар яратиш масалалари муҳокама қилинди.

● Термизда «ЎДЭУавто» ва «СамКочавто» кўшма корхоналарида ишлаб чиқарилган умумий қиймати 350 миң АҚШ долларига тенг 10 та «Нексия», «Дамас» русумли енгил автомобил ва «Отайўл» русумли 8 та автобус, автофургон ҳамда юк машинасини қўшни Афғонистон вакилларига топшириш маросими бўлди.

● **Кеча** пойтахтимиздаги «Интеркомменталь» меҳмонхонасида Буюк Британиянинг ITE Group PLC кўргазма компанияси ва унинг Ўзбекистондаги ҳамкори Iteza-Osiyo компанияси томонидан ташкил этилган «Қурилиш, жиҳозлаш, истиш ва шомоллаштиш» - ЎзБилд-2002 3-Ўзбекистон халқаро кўргазмаси очилди. Ушбу Халқаро кўргазма эртага ўз ишини ниҳоясига етказди.

● Абдулла Авлоний номидаги халқ таълими ходимларининг малакасини ошириш институтида ёшлар маънавиятини юксалтириш масалаларига бағишланган анжуман бўлиб ўтди.

● Республика «Маънавият ва маърифат» маркази жорий йилнинг мамлакатимизда Қариялари кадрлари деб эълон қилиниши муносабати билан «Миллий кадрлар ва Ўзбекистон Республикаси Конституциясини тарғиб қилишда энг фаол қатнашган зиёли маҳалла оқсоқоли» кўрик-танловини ўтказишга қарор қилди. Кўрик-танлов мамлакатимиз Конституцияси қуни арафасида яқунлади.

● Тошкент Давлат аграр университетидида мазкур олий ўқув юртида таҳсил олаётган талабаларнинг «Келаганимиз тимсоллари» деб номланган учрашуви бўлиб ўтди.

● Бухорода Муҳиддин Қорӣқубов номидаги ёш бастакорлар ва ижрочиларнинг республика кўрик-танлови вилот бастакори ниҳоясига етди. Унда 13 йўналиш бўйича 70 дан зиёд ўқувчи иштирок этди. Гойиблар кўрик-танловининг республика босқичига йўлланма олдилар.

● Бухорода «Универсиада-2002» вилот ташкилий қўмитасининг навабдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

● **Бугун** пойтахтимиздаги Тарас Шевченко номи 110-лицей-мактабда ақунба кўчаларида украин тилини ўрганиш бўйича гимназия синфининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

● **Кеча** «Жар» спорт мажмуининг мажлислар залиди 16 март куни бошланган футбол бўйича Ўзбекистон XI чемпионати муносабати билан республика футбол федерацияси томонидан ташкил этилган жамоаларнинг мурабийлари ва президенти иштирокида кенгаш бўлиб ўтди.

Жаҳонда

● Ўзбекистон Республикаси ва Япония ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 10 йиллигига бағишлаб кўнчалар мамлакатнинг Шиокуса шаҳри марказида жойлашган «Galley Watanabe Camera» галереясида фотокургазма бўлиб ўтди.

● **Миср** Араб Республикасининг пойтахти Қоҳирадаги нуфузли билим масканларида бири — Хусний Муборак номдаги халқ кутубхонасида «Ўзбекистон кўни» тадбири ўтказилди.

● Россия Мудофаа вазири Сергей Иванов Вашингтонга келди. Ушбу ташрифи у шу йилнинг май ойда Москва ва Санкт-Петербургда бўладиган олий даражадаги Россия-Америка учрашувига тайёрлаган босқич сифатида қарамоқда. АҚШ Президенти Жорж Буш ва Россия Мудофаа вазири Сергей Иванов Вашингтонда ўтказилган учрашув пайтида стратегик ҳужум қуролларини қисқартириш ва терроризмга қарши кураш масалаларини муҳокама қилдилар. Шунингдек, ядро қуролли тарқатмаслик муаммолари ва иқтисодий ҳамда энергетика соҳасидаги ҳамкорлик ҳам муҳокама қилинди.

● АҚШ вице-президенти Дик Чейнингинг Яқин Шарққа сафари давом этимоқда. **Кеча** у Йордания раҳбарияти билан Яқин Шарқ масалалари ҳусусида музокаралар олиб борди. **Бугун** унинг Мисрда ташриф буюриши кутилмоқда.

● Афғонистон Муваққат ҳукуматининг раҳбари Хамид Карзай қатор хоржий мамлакатларда бўлганидан сўнг Москвага ташриф буюрди. У Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин ҳамда бошқа расмий кишилар билан мулоқотда бўлиб, Афғонистоннинг иқтисодий ва тиклаш, унинг инфратузилмасини замонавий даражада келтириш ҳамда мамлакатга қўрсатилган моддий ва маънавий ёрдамлар ҳусусида фикр алмашди.

Бугун Хамид Карзайнинг Москвага ташрифи ниҳоясига етди, сўнг у Германияга жўнаб кетади.

● Афғонистон Муваққат ҳукумати раҳбари Хамид Карзай яқин кунларда мамлакатга сойиб қирол Зоҳир Шайнинг келишини маълум қилган. Унинг айтишича, катта обрў-эътиборга эга бўлган сойиб қиролнинг Афғонистонга қайтиши мамлакат учун катта аҳамиятга эга.

● Афғонистон раҳбарияти Бирлашган Миллатлар Ташкилотига мамлакатнинг қишлоқ ҳўжалиги соҳасини тиклаш учун ёрдам сўраб муҳожат қилган.

● АҚШ Президенти Жорж Буш 11 сентябрь воқеаларига ярим йил тўлиши муносабати билан Оқ уйда ўтказилган маросимга ўндан энг азим, конгресс аъзолари, террорчилик оқибатида ҳалок бўлганларнинг оила аъзолари ва маъмурият вакиллари ташкил этди.

● Ироқ вице-президенти мамлакатга БМТнинг қуролсизлантириш бўйича инспекторларининг келишига руҳсат берилмаслигини маълум қилган.

● Қоҳирада Араб давлатлари лигаси ташқи ишлар вазирларининг икки кўнлик саммити ўз ишини ақунлади.

● **Бугун** Тбилисида сойиб СССР мамлакатларидан ядровий материалларни олиб чиқисни назорат қилиш муаммоларига бағишланган масхалашлашув бошланди. Америка Қўшма Штатлари ташаббуси билан уюштирилган ушбу учрашувда Грузия, Озарбайжон ва Украина божхона хизматининг раҳбарлари, шунингдек атом энергияси бўйича Халқаро агентлик вакиллари иштирок этишмоқда.

● Қувайт махсус бўлинмалари мамлакатда ноқонуний яшаётган «Толбон» харакатининг етти аъзосини асирга олган. Махсус хизмат вакиллари билан олинган ахборотга кўра, бу ердаги толбонларнинг умумий сонини 11 кишидан иборат бўлиши мумкин. Ҳозирда уларнинг қолган 4 нафари ҳам қидирилмоқда.

● Исроил харбийлари Фазо минтақасидаги яҳудийлар яшовчи Нецарим қишлоғига киришга уринаётган пайтда 4 нафар фаластинлини ўлдирди. Харбийларнинг айтишича, улар Нецарим атрофларини ўқча туттишган.

● Папуа-Янги Гвинеяда харбийлар исён кўтарди. Бунга ҳукуматнинг харбийлар сонини қисқартириш ҳақидаги режаси сабаб бўлди.

● АҚШ мутахассислари антика самолёт яратдилар. Пентагон муҳандисларининг айтишларига қараганда, уначлик катта бўлмаган бу самолёт асосан жоусулик парвозлари билан шугулланади.

● **Австралия** суди Австралиядан истимок қилувчи аёлни Малайзия ҳудуди орқали 3 килограмм героинни олиб ўтганлиги учун беш йиллик қамоқ жазосига ҳўкм қилди.

Сафардаги галаба ФУТБОЛ

Яна икки кундан сўнг мамлакатимизнинг саккиз шахсида олий лиганиннг 16 жамоаси иштирокида XI миллий чемпионат уйинлари бошланади. Аммо чемпионат уйинларига старт берилмай туриб яқинда футбол иштирокида Ўзбекистон кубогини 1/8 финалида иштирок этаётган «Дўстлик» — «Пахтакор» учрашувининг шохиди бўлишиди.

Учрашув ҳақида қисқача тўхталадиган бўлса мезбонлар асосан ҳужумкор уйин намойиш этишди, бироқ, қарши ҳужумда муваффақиятли тўп сурган пахтакорчи-

лар 2-дақиқадаёқ Леонид Кошелев ижросида рақиблар дарвозасини ишғол этишди. Орадан икки дақиқа ўтмай Игорь Гладков ҳам «Пахтакор» дарвозасига жавоб тўпини йўллаган бўлса-да, 36-дақиқада Андрей Влащев, 73-дақиқада Зайниддин Тожиевлар томонидан йўлланган тўп пахтакорчиларнинг 3:1 ҳисобидаги галабасини таъминлади.

Ўзбекистон кубогини 1/8 финалининг жавоб учрашуви 27 март куни «Пахтакор» уйингоҳида бўлиб ўтади.

Ақбар ЙЎЛДОШЕВ

Орзулари ойдin қиз

Баҳор фасли бошланиши билан мамлакатимизда кўш байрамлар, қувончли хушxabарлар, тантаналар бир-бирига улашиб кетади. Бундан уч йил муқаддам Президентимизнинг Зулфия номидаги Давлат мукофоти таъсис этиш тўғрисидаги Фармони чиққан бўлиб, ҳар йили «Зулфияноним қизлари» кўрик-танловининг туман ва шаҳар босқичлари ўтказилиб, унда иқтидорли, зукко, билимли қизлар қатнашиб, ўз салоҳиятларини намойиш этиб келишмоқда. Ва ҳар баҳорнинг ил қуни севимли шоирамиз Зулфия таваллуд топан кунда голибалар аниқланмоқда.

Бу йил ҳам баҳор ойининг бошланишида республикамиз бўйича ўтказилган танловда Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари аниқланди. Улар орасида Тошкент шаҳридан фан йўналиши бўйича Дилором Бердиева ушбу мукофот соҳибони бўлди. Бу қувончли хушxabардан Дилоромнинг қалби чексиз шодликка тўлди.

Дилором Бердиева ижодий етуқликка интилаётган ва бадиий баркамоллик сари дадил қадам ташлаётган иқтидорли, умидли ёшларимиздан. У ҳозир 1-Тошкент Давлат тиббиёт институтида тахсил олиб, акушер-гинеколог касбининг сирларини ўрганмоқда. Зеро, Дилором ёшлигидангина фақат шифокор бўламан, дея қатъий аҳд қилганди. Мактабда барча фанлардан аъло баҳоларга ўқиб, ўзининг билими, зукколиги, ўтқир эҳси билан ажралиб турарди. Дилором, шунингдек болалигидан адабиётга, шеърятга меҳр қўйиб, 8-синфдан шеърлар ёза бошлади. Шаҳрисабзда туғилиб ўсган Дилоромнинг шаҳарнинг мафтункор болғирини гўзал қир-оҳларини чиройига боқиб илҳоми жўш уриб, мактаб даврида «Дил ихлоси», «Оқ орзулар тонги» ҳамда талабалик йилларида «Учрашса такор» деб номланган шеърий китобчалари нашр қилинди. Шу билан бирга мактабда ўтказилган олимпиадаларда ва кўрик-танловларда қатнашиб, совринли ўринларни эгаллаб келган. Дилором мактабни аъло баҳоларга битирган 1-Тошкент Давлат тиббиёт институтига ўқишга кириб, бу ерда ҳам ўқишда, жамоат ишларида ўз билими, иқтидорини намойиш этди. Ўқишга чанқок, изланувчан Дило-

ромнинг институтида ҳам илмий ишга асосланган ҳолда тиббиётга оид 2 та «Меллори — Вейс» синдроми ҳамда «Гивандлар орасида ВИЧ инфекциясининг олдини олиш ва самарали чора-тадбирлар» номли рисолалари нашр қилинди.

— Ёшлигимдан шифокор бўлишни жуда орзу қилардим, — дейди Дилором мамнуният билан. — Дугоналарим билан фақат «дўхтир-дўхтир» ўйнар, мен уларга дориға рецептлар ёзишни, ўйинчоқ дорининалардан укол қилишни яхши кўрардим. Бу менинг севимли машғулотиим эди. Отанам ҳам менинг шифокор бўлиб этишишимни орзу қилишарди. Мана ҳозир институти битириш арафасиданам. Утган йили Зулфия номидаги Давлат мукофотиға номзодлар қаторидан ўрин олгандим. Мана бугун номзодлар ичиндан шаҳар бўйича Зулфия номидаги Давлат мукофотиға сазовор бўлдим. Бундай мукофотдан фаланмай, қувонмай бўладими. Севимли, ардоқли шоирамиз Зулфия опа номидиға мукофотға сазовор бўлиш катта бахт албатта. Мақсадим бу юксак ишончини оқлаш, келгусида магистратурада ўқиб, ўз билими ва тажрибаларимни янада бойитиб, хориғга чиқиш, мустақил Ўзбекистонимиз шарафини янада юксалтириш, тиббиётимизни дунёга танитиш, аёллар саломатлигини янада мустаҳкамлаш йўлида самарали ишлар олиб бориш.

Орзулари ойдin қиз Дилором Бердиеванинг ҳақиқатан келажаги порлоқ. Ўйлаймизки, Дилоромнинг орзулари ушалаб, келажақда соғлиқни сақлаш соҳасида ўзининг муносиб ўрнини топади.

Дилором ИКРОМОВА

Ҳамза туманида амалга оширилаётган кенг қўламадаги ободонлаштириш ва кўкчаларни янгилаштириш ишларини кўриб кеча Тошкент шаҳар ҳокимлигининг «Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарорига амалий жавоб деса бўлади.

Туман ҳудудида жойлашган корхона ва ташкилотлар, муассаса ва таълим масканлари жамоаларини жалб этган ҳолда уларнинг ён атрофлари, майдон ва кўчалар, бекатлар ободонлаштирилиб, тартибга келтирилмоқда. Ушбу уммавий тадбирға нафақат туман ободонлаштириш бошқармаси, балки каттаю-кичик фуқаролар жалб этилганлиги ўз самарасини бермоқда. Режа асосида ўтказилаётган хашарларда эса барча сидқидилдан меҳнат қилиб, поки-залликка ўз хиссасини қўшмоқда.

— Туманимизда 50 та маҳалла мавжуд, — дейди туман ҳокими ўринбосари Шавкат Жавлонов. — Ушбу маҳаллалар ахли маҳалла оқсоқоллари ва фаоллари раҳбарлигида кундалик юмушларни тез ва соз адо этишмоқда. Уйлар атрофини тозалаш билан биргаликда, ҳар бир хонадон эгалари гул ва дарахт кўчатларини экишиб, кўкчаларни янгилаштириш юмушларини ҳам бажаришмоқда. Ҳудудимизға бу йил 21 минг донга атиргул ва бошқа гул кўчатларини, 300 туп мевали ва манзарали дарахтлар, 1000 туп терак ва 1000 донга буталарни экишни режаларимиз. Ҳозирда уларни ўтказиш қизгин тус олган. Албатта Наврўз байрамини бутун ҳудудимизни обод ва кўркам тарзда хозирлаб, шодибна безатиб қўйиб олиш билан бирга, озодалик ва покзалликка, шаҳримиз кўкчаларини янгилаштиришга йил бўйи эътиборни қаратишға аҳд қилганмиз. **Чўлпоной МЕЛИҚУЗИЕВА**



НАВРЎЗИ ОЛАМ ЯҚИН



ПУХТА ТАРАДУД

Ҳашар — элга ярашар

Баҳор келиши билан халқимиз қадимдан ҳовлиго бўларди, кўчаларни тозалаш, ободончилик ишларини қўзғатиш ажд олдириб юборарди. Бугунги кунда мамлакатимизнинг қайси бурчағига борманг, келсаю ўшунда кўлда кетмон, белкуррак, сутурги, қимдир ёр чопиб, дарахт, қимдир гул кўчати ўтказмоқда, ариқлар чиқиндилардан тозаланиб, дарахтлар оқланмоқда.

Бек саноат касб-хунар коллежида ҳам айни кунларда Наврўзга тайёргарлик қозасидан ўтказилаётган ободонлаштириш ойлтигида талабаю ўқитувчилар жонбозлик кўрсатиб меҳнат қилишмоқда.

— Шу кунгача ўқув масканига қарашли 0,5 гектар ёр чопилиб, 300 метр ариқлар чиқиндилардан тозаланди, — деди биз билан сўбатда коллежининг маънавий ва маърифат бўйича директор

ўринбосари Жуманазар Жуманов — 100 та дарахт оқланиб, 30 таси буталанди. Шунингдек коллеж ҳудудиға 50 донга мевали-манзарали дарахт, 300 донга атиргул кўчатлари ўтказилди ҳамда чиқиндилардан тозаланди. Талабалар шанбаликларда илтирок этиб бизга бириктирилган «Навбахор» маҳалласи ҳамда «Тошкент трактор заводи» корхонасининг спорт мажмуасини ободонлаштириш ишларида ёрдам беришмоқда. **(Ўз мухбиримиз)**

«...«Кечиккан пушаймон» мақоласини ўқиб ниҳоятда тасвирландим. Ота-онадан, дўст-биродардан, қўни-қўшнилардан жудо бўлиш нақадар даҳшат! Мақола муаллифининг ёзган гаплари ниҳоятда ҳаётий...»

«...Ўглини тугруқхонада ташлаб кетган аёл фожиаси, гўдакка она ўрнида оналик меҳрини бериб унинг гўшангаларга қувв бўлганини кўрган ўғай онанинг бахтли нигоҳлари нақадар тасвирчан ифодаланган. Шундай қисматта дучор бўлганим боис мақола гўё мен ҳақимда ёзилгандек...»

Юрак-юрақдан отилиб чиқаётган бу сўзлар кимға аталган, «Тошкент оқшоми»ға мактуб йўллаган муштарийлар қалбини ларзага солган мақолаларнинг муаллифи ким? Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими, ўтқир қалам соҳибни, кўплаб дилтортар хижоаялар, публицистик мақолалар ва очерклар муаллифи, моҳир таржимон, «Тошкент оқшоми» муштарийларига яхши таниш бўлган, умрининг ўттиз йиллини ўзбек журналистикасиға фидойилик билан меҳнат қилишға бағишлаган Юсуфжон ака Муқимбоев ҳақида, унинг ижоди ҳақида ҳар қанча кўп ва хўп гапирса ва ёзса арзийди. Боқиларни ниҳоятда самимий, камтарин ва ҳокисор бу ижодкор дўстимизнинг бошқаларға ибрат бўладиган кўпдан кўп фазилатлари бор.

Ёшлигидан ижод қилишға, журналистик касбини эгаллашға иштиёқи кучли бўлгани боис меҳнат фаолиятини оддий ишчиликдан бошлаган Юсуфжон ака кейин мактабда ўқувчиларға етакчи бўлди, сўнг ҳозирги «Камалак» нашриётида мусахҳиқлик қилди. Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг журналистика факультетида ўқиган йиллари унинг учун журналистика назариясидан сабоқ олиш ва амалиётларни ўташ йиллари бўлди. Юқорида таъкидлаганимиздек, мана салкам ўттиз йилдирки, Юсуфжон ака журналистик касбини ардоқлаб келмоқда.

Каерда бўлмасин, каерда ишласин ўзига топширилган ишға катта масъулият билан, ижодий ёндашгани у зегу мақсад деб билди. Тинмай изланиш, ҳаётнинг ичига чуқурроқ кириб бориш, одамлар дарди билан яшаш унинг ҳаётини мезонига айланди.

Дўстлари, ҳамкасблари даврасида уни ўта камтар ва чин дўст сифатида гоят қадрлашади, у кирган давраларда сўхбат ўз-ўзидан қизиб кетади, ўтиришларға ўзгача файз қиради.

Юсуфжон Муқимбоевнинг қаламиға мансуб юзлаб хижоая, очерк ва публицистик мақолаларни ўқувчи хеч зерикмай ўқийди. Ушбу сатрларнинг муаллифи доим Юсуфжон аканинг ёзган мақолаларини хинд фильмларидаги воқеаларға қиёслаб, алқайди. Дарҳақиқат, халқимиз севиб кўрадиган хинд фильмларидаги воқеалар шу қадар яқуниға қадар томошабинни ўзига тортиб турадики, бе-ихтиёр «Бўёғи нима бўларкин» деган саволлар билан томошабинни унинг ҳақиқий мафтунига айлантиради-қўяди. Юсуфжон аканинг ҳаётдан олиб ёзган хижоаялари ва публицистик мақолалари ана шундай оҳанрабоис билан ўзига тортиб туради. Бу — бор гап, айни ҳақиқат. Юқорида «Оқшом» икки муштарийсининг ҳаяжон билан ёзган дил сўзлари фикримиз далилидир.

Юсуфжон аканинг дўстлари, улфатлари ва ҳамкасблари унинг юрш-туриши, муомаласи ва ҳаракатларини ўша юқорида эслатганимиз каби хинд фильмларидаги адолат ва ҳақиқатни ёлқовчи тажрибали хўққ мулозимига ўхшатишади, шу боисдан уни дўстлари баъзида эрқалаб «Юсуф Кумар» деб ҳам қақришади... Дўстларининг бундай ҳазиллариға у доимо ўзига хос беғуборлик ва самимият билан, ширин ва мулоийм табассум ила жавоб қайтаради...

Юсуфжон аканинг Манзураҳон ая билан турмуш қуриб

тўрт ўғил ва икки қизни воёға етказгани, оиладаги тотуеликка ва аҳилликка қўни-қўшнилар, қариндош-уруғлар доимо ҳавас билан қарашларининг ўзи ҳар қанча мақтовға лойиқдир. Айниқса, эр-хотин ўртасидаги бир-бириға меҳрибонлик, уларнинг вафо ва садоқати ҳақида, бир-бирларига доим мададкор ва сўянч бўлишлари ҳақида узок гапириш мумкин.

Бир кун қадрдон дўстим, истеъдодли шоир Шукур Дадашдан Юсуфжон акани йўқлаб, унинг телефон гўшагини олмаётгани боисини сўрадим. Шунда Шукуржон «Эшитмадингизми, Юсуфжон ака шифохонадалар» деб, қолди. Ажабландим. Боиси икки кун олдин Юсуфжон акани қувноқ қайфиятда, ўша ўзига хос қатъий қадамлар билан кетаётганининг гувоҳи бўлган эдим. Ажабланганимни кўрган Шукуржон «Ўзлари соғ-саломатлар, аёлларига қараб, уларни парвариллаб шифохонада этибдилар», деб қолди. Шунда беихтиёр хаёлимдан Юсуфжон ака ўз аёлиға — болаларининг онаси ва ўш икки неваранинг бувисига нисбатан ҳаммада ҳам бўлавермайдиган ажойиб фазилатиға — яъни меҳр-муҳаббатига яна бир бор қойил қолдим ва Дурбекнинг ўша машҳур «Юсуф ва Зулайхо» достонидаги икки

севишган қалбнинг бир-бириға бўлган вафо ва садоқатиға Юсуфжон ака билан Манзураҳон аянинг вафо ва садоқатини ўхшатдим ва табиийки кун қеча уларнинг оила-сидан келган тақлифномадаги Юсуфжон ака таваллудининг 60 йиллиги ва Манзураҳон аянинг табарруқ ёшлари муносабати билан ижор этилган самимий дил сўзлари ана шу улғу инсонлар шаъниға қалбимда тугён ўрган зегу тилакларни ижор этиш ва ушбу сатрларни қозоғға тушириш истагини уйғотди.

«Умр — оқар дарё», деганлари рост гап. Лекин шу умрни мазмунли ўтказиш, ўзидан яхши ном қолдириш, одамлар меҳр-муҳаббатини қозониш учун кўп саъй-ҳаракат қилиш керак. Қоп-қора сочлари ва қўшлари, самимият ила боқадиган кўзлари ўзига ярашган Юсуфжон ака Муқимбоев олтиш йиллик умри давомида одамларға фақат яхшилик қилди, зегу ишларни баҳарди, меҳнатсе-варлиги, оилапарварлиги, болажонлиги, Тангри тоало ато этган ақлу заковати, ширинсўханлиги билан қариндош-уруғлари, маҳалла аҳлининг катта ҳурмат-эҳтиромига, эъзозига сазовор бўлиб келмоқда. Ана шунинг ўзи инсон учун катта бахт эмасми, ана шунинг ўзи умр мазмунини бебайидиган зарвараклар эмасми?

Ҳа, шундай. Юсуфжон ака ибратли ҳаёт пиллапояларини босиб ўтди. Бугун ана шу ўтган умрга бир назар ташлайдиган, бажарилган ишларни сарҳисоқ қиладиган, умрининг қолган дамлариини ҳам бундан-да сермазмун ўтказадиган, фарзандлар роҳатини қўриб, уларнинг, невараларнинг бири-биридан гўзал ва файзли тўғиларини ўтказишдек яна қанчадан-қанча олижаноб юмушлар турибди. Ана шундай юмушларни бажариш сиз билан Манзураҳон аямизға насиб этсин, бундан бўён ҳам кўтлуг кўнларингизда дўстларингиз, қавму қариндошларингиз доим ёнингизда камарбаста бўлсин, азиз ва қадрли Юсуфжон ака!

Солиҳ ЁҚУБОВ,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими.



Халал берманг, агар қизлар хаёл сурсалар...

МУШТАРИЙ ИЛҲОМЛАРИ

Севгилимға

Кеч-соқин тунлар, сураман хаёл,
Соғинтириб қўйдингиз, эй севимли ёр.
Сен бўлмасанг қўзимға кўринмас дунё,
Қоронғудек туюлар, бўлар зим-зим.

Соғинч қандай туйғу қалбимдан сўра,
Сенсиз ҳис қиламан, ўзимни ёлғиз.
Бир марта бўлса ҳам келгил ёнимға,
Гар бўлмасанг ёнимда, бўламан оқиз.

Ҳар бир умр лаҳзам, чўзилди йилдай,
Асрга татийди қутган ҳар оним.
Ўзимни кўп сезаман, худди ёлғиздай,
Қайлардасан севгилим, қайдасан жоним.

Чўл-биёбон кезайми, сени ахтариб,
Розидир кўнглим дарвеш бўлишға.
Минг марта бўлса ҳам, дилдан қувониб,
Тайёрман сен учун сахро кезишға.

Олисан таралди бир оташ наво,
Биламан бу қандай куй бериши садо.
Далда бўлар ушбу куй, сени соғинсам,
Гар бўлмасанг ёнимда бўламан адо.

Ушбу қуйдан ларзага келади дунё,
Асир этар ҳар зотни ўзига гўё.
Мафтун этар ҳар сўзни айлаб тўтиё,
Ҳар инсонни ўзига қилар махлиё.

Ишк-муҳаббат шаробин ичайлик бугун,
Соғинч-қувонч дамлари унтилмасин.
Хижрон кўнларимиз бўлсин тез, яқун,
Ҳар қандай ёмон кўздан ўзи асрасин.

Олим ҚУМАКОВ,
Бухоро вилояти, Ромитан тумани.